



КОНСТИТУЦИЯ - ОИЛАНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

М.А.Усманов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

университети профессори, ю.ф.д.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10409794>

ARTICLE INFO

Received: 12th December 2023

Accepted: 19th December 2023

Online: 20th December 2023

KEY WORDS

Конституция, оила, давлат, оиласий муносабат, камтаъминланган оила, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам, ижтимоий хизмат, нафақа.

ABSTRACT

Ушбу мақолада оилани давлат томонидан муҳофаза қилинишига оид конституцияда белгиланган кафолатлар, 2017-2022 йилларда амалга оширилган ижтимоий ислоҳотлар, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оила институтини янада ривожлантириш, оилаларни янада қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий хизматлар қўламишинг кенгайгани, оилаларга нафақаларни тайинлаш соҳасида қатор имтиёзлар жорий қилинганлиги масалалари ёритиб берилган.

Инсон камолоти ва маънавиятини шакллантиришнинг энг дастлабки ва уйғун маскани оиладир. Оила-жамиятнинг асосий бўғини, авлодлар давомийлигини, қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни аждодлардан авлодларга ўтишини таъминловчи омилдир.

Оила ҳуқуқининг асосий манбаи Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Конституциянинг III бўлим, XIV боби «Оила, болалар ва ёшлар» деб номланиб, 76-80-моддаларда оиласий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида таъкидланган қўйидаги сўзларда ниҳоятда рамзий ва теран маъно бор: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир”[1].

Мамлакатимизда “Ҳар бир оила фаровон бўлса - мамлакат фаровон бўлади” тамойили асосида соғлом, етук, комиллик сари интиладиган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида қўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, оила қанча соғлом бўлса, жамият ҳам шунга мутаносиб бўлади. Лекин тагига зил кетган, мўрт оилалар охири ажралиш билан тугайди, болалар етим, хонадонлар пароканда бўлади. Бу эса, жамият равнақига албатта путур етказади[2].

Давлатимиз ўз мустақил тараққиётининг илк кунлариданоқ бозор муносабатларига ўтиш босқичида оилалар хақида ғамхўрлик қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бош тамойиллардан эканини эълон қилди ва бу соҳада кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий тадбирларни амалга ошириди.



Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожи, авваламбор, оилаларимизда тинчлик-осойишталиктининг бардавом бўлиши, оиласдаги фаровонлик ва унинг ишончли ижтимоий ҳимоя кафолатлари тизими орқали таъминланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида оиласа жамият ва давлат ғамхўрлиги кун сайин ошиб бормоқда. Жамиятни ривожлантириш учун барча диққат-эътибор, энг аввало, оиласа қаратилмоғи лозим. Ҳар бир оила аъзосининг жамиятни тушуниши, ҳаёт, меҳнат, қонун ва ҳуқуқни қай даражада англаши ва унга риоя қилиши жамият равнақини белгиловчи муҳим омилдир. 2023 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида жами 9 миллион оиласар мавжуд.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос имкониятлари, эҳтиёjlари, муаммолари бор. Давлат томонидан оиланинг ривожланиши учун имкониятлар яратилиши жамият равнақи учун хизмат қилади.

Сўнгги йилларда оиласарни қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, оиласарга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифатини оширишга, кўп болали оиласарга ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга муҳтоҷ оиласарга имтиёзли кредитлар (ипотека, истеъмол ва бошқа) беришни ва ер майдонларини тақдим этишга қаратилган бир қатор қонунчилик хужжатлари қабул қилинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарга кўмак беришда ноёб бўлган “Темир дафтар” жорий этилди.

Оиланинг тўлақонли ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича давлатнинг мажбуриятларини белгилаш орқали жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашга, мустаҳкам оиласарни шакллантиришга эришилади.

Давлатнинг оила тўғрисидаги ғамхўрлиги катта ҳажмда уй-жой қурилиши, болалар муассасаларининг кенг шаҳобчаларини барпо этиш ва ривожлантириш, майший хизмат, бола туғилганда нафақа тўлаш, кўп болали оиласарга нафақалар ва имтиёзлар бериш, шунингдек, оиласа нафақа ва ёрдам беришнинг бошқа турларини ривожлантириш орқали намоён бўлмоқда.

2022 йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол ҳаражатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оиласарга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.[1].

Оила ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири – Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддасида оиласдаги муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оиласдаги масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилиши[3] белгиланган.

Оиласдаги муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга юридик фактлар - никоҳ, қариндошлиқ, оналик, оталик, фарзандликка олиш кабилар асосида вужудга келади ва шахсий-ҳуқуқий моҳиятга эга бўлиб, оиласдаги ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва



мажбуриятлари уларнинг ўзларигагина тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборатdir.

Хуқуқий маънода оила – юридик муносабатdir. Оилавий муносабатлардаги юридик характер ҳуқуқий нормалар билан уларнинг муносабатларини тартибга солиб, давлатнинг мажбурий қоидалари билан оила аъзоларининг хулқига таъсир этиб, оилани жамият хоҳлаган асосда ривожлантиришга ёрдам беради.

Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайрасини ташкил этади. Жамият катта-
кичик оилалардан иборат. Бу оилалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Биз қураётган фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти биринчи галда унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлигида ҳамда ижтимоий вазифаларда ифодаланган.

Мамлакатда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар, ҳалқаро ҳуқуқий стандартларга тўла-тўқис мос бўлиб, улар руҳини ҳаётимизга сингдириш ишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон Фармони хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни белгилаб берди. Хусусан, ушбу Фармон асосида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш,

соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 1 мартағи ПФ-81-сон Фармони ва 2022 йил 21 сентябрдаги «Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-376-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 645-сон қарорига мувофиқ “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари этиб оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик,



хунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва қўникмаларни эгаллашда кўмаклашиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 1 мартағи ПҚ-146-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”даги 2022 йил 4 июлдаги 358-сон қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлашга доир Миллий дастур тасдиқланди.

Дастурга кўра «Соғлом оила - соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, бу соҳада норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, мазкур йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва самарали татбиқ этиш, замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Хуллас, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш;
- «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш ишларини олиб бориш;
- давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш;
- маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ишларини янада ривожлантириш.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳар бир оила фаровон бўлса - мамлакат фаровон бўлади”.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (lex.uz)
2. SH.M.Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston strategiyasi. . - T “O'zbekiston” nashriyoti, 2021. 72-bet.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // www.lex.uz.